

Ал-Азкор / Ал-Азкор / 290-ҳадис

* وروينا في كتاب الترمذي وغيره عن أبي موسى الأشعري رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: "إذا مات ولد العبد قال الله تعالى لملائكته: قبضتم ولد عبدي؟ فيقولون: نعم، فيقول: قبضتم ثمرة فؤاده؟ فيقولون: نعم؟ فيقول: فماذا قال عبدي؟ فيقولون: حمدك واسترجع، فيقول الله تعالى: ابنوا لعبدي بيتا في الجنة، وسموه بيت الحمد".

قال الترمذي: حديث حسن.

290/3. Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Агар бир банданинг фарзанди вафот этса, Аллоҳ таоло фаришталарига: «Бандамнинг фарзандини олдингларми?» дейди. Фаришталар: «Ҳа», деб жавоб беришади. Аллоҳ: «Бандамнинг қалбининг мевасини олдингларми?» дейди. Фаришталар яна: «Ҳа», дейишади. Аллоҳ таоло: «Бандам нима деди?» деб сўрайди. Фаришталар: «Сенга ҳамд ва истиржоъ (яъни, «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун», деб) айтди», дейишади. Шунда Аллоҳ таоло: «Бандам учун жаннатда бир уй қуришлар ва уни ҳамд уйи, деб аташлар», дейди», дедилар.

Имом Термизий ривоятлари.

Фасл: Хуросонлик соҳиблар айтишди: «Кимки, ҳамма ҳамдни ўз ичига олган ҳамд билан Аллоҳга ҳамд айтаман деб қасам ичса, «**Алҳамду лиллаҳи ҳамдан ювафий ниъамаҳу ва йукафиу мазийдаҳу**», деб айтиши билан қасамини бажарган бўлади».

(**Маъноси:** Неъматларини ҳосил қилган ва зиёдалигини мукофот қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин.)

Кимки мақтовларнинг энг чиройлиси билан Аллоҳни мақтайман, деб қасам

ичса, «**Лаа уҳсий санаан ғалайқа анта кама аснайта ғала нафсика**» деб айтиши билан қасамини бажарган бўлади.

(Маъноси аввал келган.)

Баъзилар: «**Фалакалҳамду ҳатто тарзо**» (Рози бўлгунингча Сенга ҳамд бўлсин), дейилган гапни зиёда қилишган.

Абу Наср Таммор Муҳаммад ибн Назр роҳимаҳуллоҳдан ривоят қилиб келтиришларича, Одам алайҳиссалом:

«Эй раббим, касби корим мени машғул қилиб қўйди. Менга бир нарса ўргатгинки ана шу ҳамма ҳамд ва тасбиҳларни ўз ичига олсин», дедилар. Шунда Аллоҳ таоло у зотга ваҳий қилиб: «Эй Одам қачон тонг оттирсанг уч марта ва кеч киргизсанг уч марта **«Алҳамду лиллаҳи роббил ғаламийна ҳамдан йувафий ниъамаҳу ва йукафиъу мазийдаҳу»** деб айт, мана шу ҳамд ва тасбиҳларни ҳаммасини ўз ичига олгандир», деб айтди.

(Маъноси юқорида келган.)

Манба: hadis.islom.uz

